ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00361

СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: УСУЛ ВА ШАКЛЛАР

У. Ходжамқулов
Чирчиқ давлат педагогика институти

Н. Пердешова
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш, синфдан ташқари ишларнинг ташкилотчиси вазифалари, синфдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишларда иш усуллари, синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра хилма – хиллиги ва тўгарак машғулотлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: синфдан ташқари ишлар, ташкилотчи, ўқувчилар, тарбиявий фаолият, тарбиячи.

ORGANIZATION OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES: METHODS AND FORMS

U. Khodjamkulov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

N. Perdeshova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article deals with the organization of extracurricular activities, the role of the organizer of extracurricular activities, methods of work in extracurricular activities, the diversity and content of extracurricular activities.

Keywords: extracurricular activities, organizer, students, educational activities, educator.

КИРИШ

Синфдан ташқари ишлар – умумий ўрта таълим мактаби ўқув тарбиявий ишининг таркибий қисми, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00361

шаклларидан бири. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантириш ва уларни ҳаётга тайёрлашда кенг имкониятлар яратади. Синфдан ташқари ишларга ўқувчилар билан ўтказиладиган ва уларга тарбия ҳамда билим беришга қаратилган турли хил машғулотлар тизими киради. Мазкур жараённинг тўғри ва оқилона ташкил этилиши ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштиришларига, ўз устида ишлашларига, маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилишнинг назарий асослари, амалий жиҳатлари, унинг усул ва шакллари маҳаллий олимлар Ш.Мардонов, А.Халиков, А.Садикова, Ф.Ибрагимова, Н.Артикова, Ж.Абдусаматов, Р.Шерматов, О.Норбадалов, Э.Ноқувватовлар томонидан ўрганилган. Мазкур тадқиқотчилар синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритишда муайян фан нуқтаи назаридан ёндашган. Аммо уларда таълим босқичларида, хусусан, бошланғич таълимда ушбу масаланинг амалиётга жорий этилиши етарли даражада ёритилмаган.

Мақоламизда илмий тадқиқотнинг таҳлил, тавсиф, кузатиш, солиштириш каби методлардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Синфдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараши тўғри шаклланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан боғланишига замин яратади.

Синфдан ташқари тарбиявий ишларни қуйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ:

- Турли тадбирлар (ролли ўйинлар), касб танлаш ишлари(касблар рўйхатини тузиб чиқиш, касб ҳақида бурчак ташкил қилиш, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ўқувчиларга анкеталар тарқатиш, жавобларни таҳлил қилиш, қизиқишлар харитасини тўлдириш, касб ҳақида иншо ёздириш, ўқувчиларнинг техник ижодиёти кўргазмасини ташкил қилиш)
- Синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш (фан ўқитувчилари билан биргаликда адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, ўқилган асарлар юзасидан давра суҳбати уюштириш, синфда адабий – бадиий кўргазма ташкил қилиш, мактаб ахборот ресурс маркази билан узвий алоқа боғлаш ва ҳоказолар).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00361

Синфдан ташқари ўқишни ҳам ташкил қилиш билан ўқувчиларда адабиётга меҳр уйғотиш мумкин. Маҳмуд Қошғарий “Девони луғати-турк”асарида *“Илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла, илмларини, ҳунарларини ўрганиб амалга ошир”*дея таъкидлайди.

Синфдан ташқари ишларнинг ташкилий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш.

2. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини мактаб етакчиси, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш.

3. Синфдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота – оналари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш.

4. Умуммактаб ва мактабларараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш.

5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Синфдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишларда қуйидаги иш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади:

а) Оғзаки иш усуллари: мажлислар, маърузалар, китобхонлар конференциялари, газета ва журналлар.

б) Кўргазмали иш усуллари: мактаб музейлари, меҳнат қаҳрамонлари хонаси, янги китоблар кўргазмалари ва совриндорлар билан учрашувлар.

в) Амалий иш олиб бориш усуллари: сайёҳатлар, олимпиадалар, шанбаликлар ва тўгараклар.

Ўқувчиларни қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз асосида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси бўлиб, синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра хилма-хилдир. Уларни шартли равишда уч хил шаклга бўлиш мумкин:

1. Оммавий шакллар: эрталиклар, мактаб кечалари, болалар байрамлари, кўриклар, қувноқлар ва топқирлар клуби, сайрлар, синф ва мактаб музейи.

2. Синфдан ташқари индивидуал шакллар: энг яхши китобларни тарғиб этиш, ўсимликлар ўстириш, сабзавотлар етиштириш.

3. Тўгарак шакллари: мактабдаги ҳар бир тўгарак ўзининг доимий иш кунлари ва соатларига эга бўлиши лозим.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00361

Тўгарак машғулотларига нисбатан жиддий муносабатни шакллантириш, машғулотларга кечикмасдан келиш, тўгарак топшириқларини бажариб келиш, тўгаракнинг моддий бойликларини эҳтиёт қилишни ўқувчиларга сингдирмоқ лозимдир. Синфдан ташқари иларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин: *фан тўгараклари, моҳир қўллар. дурадгорлик, спорт мусобақалари ва бадиий ҳаваскорлик.*

Синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказишда тарбиячининг энг муҳим вазифаси ўқувчиларни ўқув вазифаларини ҳал этишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун ҳаракат усулларини тўғри танлашдан, ўз ҳатти – ҳаракатларига раҳбарлик фаолиятини назорат қилишдан, мустақил иш кўникмаларини бошқа муҳим хаётий вазиятларга ўтказишдан келиб чиқишдан иборат эканлигини назарда тутиш лозим.

ХУЛОСА

Умуман, синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараши тўғри шаклланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Жадидчилик намоёндаларидан бири А.Авлоний айтганларидек: “Назарий билимларни амалиёт ишлаб чиқариш билан боғланишга замин яратади, ўқувчиларга бирор мақсадга қаратилган педагогик таъсир вақтини узайтиради, ўқувчиларда фаолликни, ташкилотчиликни тарбиялайди”.

REFERENCES

1. А.Ж.Жўраев. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т., «Ўқитувчи» 1994 йил.
2. Р.Мавлонова, Б.Нормуродова “Тарбиявий ишлар методикаси” Ўқув қўлланма. Т., 2010 йил.
3. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. «Педагогика»Т., «Ўқитувчи» 2002 йил.
4. http://qomus.info
5. Khodjamkulov, U. (2020). Necessity and Conditions for Forming a Cluster of Pedagogical Education (on the Example of the Education System of Uzbekistan). *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(4), 133-137.
6. Mukhamedov, G., Mukhamedov, U., Shofkorov, A., & Makhmudov, K. (2020). Pedagogical Education Cluster: Content and Form. Theoretical & Applied Science, 01(81), 250-257. https://doi.org/10.15863/TAS.2020.01.81.46